

Яҳудий ва Авф ибн Молик қиссаси



Яҳудий ва Авф ибн Молик қиссаси

Саҳобалар ҳаёти

13:01 / 26 декабрь 1643

Имом Байҳақий, Абу Убайд ва Ибн Асокирлар Сувайд ибн Ғафла розияллоҳу анҳудан ривоят қиласидилар:

«Умар розияллоҳу анҳу Шомга келганида аҳли китоблардан бири:

«Эй мўминларнинг амири! Мўминлардан бири мени ўзинг кўриб турган ҳолга солди», деди. У калтакланган, боши ёрилган ҳолда эди. Умар розияллоҳу анҳу қаттиқ ғазабланди ва Суҳайб розияллоҳу анҳуга:

«Бор, қара-чи, бунинг соҳиби ким экан?» деди.

Суҳайб розияллоҳу анҳу бориб қараса, у Авф ибн Молик розияллоҳу анҳу экан.

Суҳайб унга: «Мўминларнинг амири сендан қаттиқ ғазабланди. Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳунинг олдига бор, у зот билан гаплашсин. Умар шошилиб, сени бир нарса қилиб қўядими, деган хавфдаман», деди.

Умар намозни ўқиб бўлиб:

«Суҳайб қани?! У одамни келтирдингми?!» деди.

«Ҳа», деди Суҳайб.

Авф Муознинг олдига бориб, бўлган воқеани айтиб берган эди, бас, Муоз ўрнидан туриб:

«Эй мўминларнинг амири! У Авф ибн Молик экан. Унинг гапини эшитиб кўринг. Шошилиб, уни бир нарса қилиб қўйманг», деди. Умар унга:

«Сенинг бу билан нима ишинг бор?!» деди.

«Эй мўминларнинг амири, қарасам, бу бир муслима аёлнинг эшагини етаклаб кетаётган экан. Эшак сакраб, аёлни йиқитиб юборай дебди. Лекин аёл йиқилмабди. Манави бўлса, уни туртиб йиқитиб, ўзини аёлнинг устига отди», деди Авф.

Умар унга:

«Менга аёлни олиб кел, айтганингни тасдиқласин», деди.

Авф аёлнинг олдига борди. Аёлнинг отаси билан эри:

«Нима қилиб қўйдинг?! Бизнинг соҳибамизни шарманда қилдинг-ку!» дедилар.

Бироқ аёл: «Аллоҳга қасамки, у билан бораман!» деди.

Отаси билан эри:

«Биз бориб, сенинг номингдан гапирамиз», дедилар ва Умар розияллоҳу анҳунинг хузурига келиб, Авф айтган гапларга ўхшаш гап айтдилар.

Бас, Умар амр қилди. Яҳудий осилди.

Сўнгра Умар:

«Биз сизлар билан бунга сулҳ қилганимиз йўқ. Эй одамлар! Мухаммаднинг зиммаси ҳақида Аллоҳдан қўрқинглар! Улардан ким бу ишни қилса, унга зимма йўқ!» деди.

Сувайд: «Ўша мен кўрган яҳудий Исломда биринчи осилган одам эди», деди».

Бу ҳодисада Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг сиёсат ёки ташвиқот учун эмас, балки адолат учун иш олиб боришлари яққол намоён бўлмоқда. Мазкур яҳудий қилар ишни қилиб қўйиб, маккорлигини ишга солган эди. У: «Мусулмонларнинг халифаси келиб турибди, ҳозир сиёсат нозик пайтда унга арз қилсан, сиёсат учун менинг тарафимни олади», деб ўйлаган эди.

Дарҳақиқат, иш аввалига, сиртдан қараганда яхудий ўйлаганича бошланди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу катта саҳобий Авф ибн Молик розияллоҳу анҳунинг обрўсига эътибор қилмай, ишнинг ҳақиқатини суриштира бошладилар. У кишидан бошқа одам бўлганида бир яхудийни деб, ўзимизнинг обрўли одамни хижолат қилмайлик, деган мулоҳазага бориши мумкин эди. Аммо ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг табиатларида ва у киши кўрган тарбияда бундай мулоҳаза бўлиши мумкин эмас эди.

У кишидан бошқа одам бўлганида сиёsat учун, ноҳақдан бўлса ҳам уларнинг ёнини олиши мумкин эди. Аммо ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бундай қилишлари мумкин эмас эди. У киши айбдор ким бўлишидан қатъи назар, унинг айбига яраша жазосини бериш тарбиясини олганлар. Ва шундай қилдилар ҳам.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақами холосаси асосида чоп этилган.